

Энергетика объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш энг масъулиятли вазифа

Энергетика соҳаси объектларини куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш доимо энг масъулиятли вазифалардан бўлиб келган. Бу йилги ушбу масъулиятли давр бошланиши олдидан “Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ муҳандис-техник ходимлари томонидан тармоқда йирик ҳажмда профилактик ва таъмирлаш тадбирлари ўтказилди.

Image not found or type unknown



1975 йилда қуриб фойдаланишга топширилган 110/6 кВ қувватга эга “Орқалиқ” нимстанцияси Қорақалпоғистон Республикаси пойтахтини электр энергияси билан таъминлашда муҳим ўринга эга. Бугунги кунда ушбу нимстанция 18400 жисмоний ва 765 та юридик шахс мақомига эга истъемолчиларга хизмат кўрсатаётган бўлиб, уларнинг ичида Нукус халқаро аэропорти, республика касалхонаси, республика болалар юқумли касалликлар касалхонаси сингари объектлар мавжуд. Мавсумга тайёргарлик ишлари доирасида ушбу нимстанцияда капитал таъмирлаш ишлари ўз вақтида ва юқори сифат билан бажарилиб, нимстанциянинг 2020-2021 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлиги таъминланди.

Image not found or type unknown

